



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 9 февраль, № 27 (6462)

Сешанба

Сайтибга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ

меҳнат муҳофазасига доир қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди



ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамакатимизни демократик ривожлантириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини дастлабки тарзда муҳокама этиш ҳамда улар бўйича ягона позицияни шакллантириш мақсадида тузилган Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциялари вакиллари билан Демократик кучлар блоқи Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган янги тахрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси аввалроқ парламент куйи палатаси томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди, биринчи ўқишда қабул қилинган.

Таъкидланганидек, юртимизда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилган бўлиб, бу инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга

қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ҳамда даволаш-профилактика тadbirkorларни қўзда тутди ва турли соҳалардаги меҳнат муҳофазасининг алоҳида жиҳатларини тартибга солувчи юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади. Мамакатимизда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари меъёрлари ижроси доирасида қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2014 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича дастур қабул қилинди.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг замонавий ҳолати ҳамда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, давлат органлари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатда тadbirkorлик фаолияти ва меҳнат қонунчилигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижалари амалдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БУГУН — АЛИШЕР НАВОЙИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



УЛУҒ ШОИР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Алишер Навоий ижодининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти" мавзuida республика илмий анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти томонидан Ёзувчилар Шураси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тadbirkor навоийшунох олимлар, ижодкорлар, тадқиқотчилар ҳамда талаба-ёшлар тақдир қилинди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мутафаккир шоир адабий меросини ўрганиш, уни кенг тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида фикр юритишди.

Дарҳақиқат, халқимиз фахру ифтихори саналган Алишер Навоийнинг шохбайтлари, неча асарлари, наинки юртимиз, балки жаҳондаги кўплаб адабиёт ихлосмандларининг эътибору эъзозидир. Зеро, улуг бобомиз асар-

ларида миллатлараро тотувлик, инсонийлик, бағрикенглик, соҳаватпешалик каби бебаҳо фазилатлар юксак тараннум этилган. Шу боис бундай эзгу даъватлар ҳеч қачон эскирмайди, ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридида таърифлаганидек: "Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларлигида мутафаккир шоир адабий меросини ўрганиш, уни кенг тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида фикр юритишди."

Бундан йигирма беш йил муқаддам пойтахтимизда Алишер Навоий номи билан юридулчу Миллий боғ барпо этилди ва улуг шоирнинг салобатли хайкали қад ростлади. Ҳозирда ташаббуси билан 1991 йил мамлакатимизда "Алишер Навоий йили"

деб номланди. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида бобокалонимиз ижодини ўргатишга қаратилган махсус дарс-соатлари, машғулотлар йўлга қўйилди. Кўплаб маданий-маърифий масканлар, кўча ҳамда хиёбонларга Алишер Навоий номи берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, мустақиллик туфайли ҳар йили мамлакатимизда шоир таваллуд топган сана — 9 февраль байрам сифатида кенг нишонланмоқда.

Илмий анжуманда Навоийнинг ўзбек мумтоз адабиёти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, асарларида куйланган маънавий-ахлоқий қадриятлар, шунингдек, улуг бобокалонимизнинг жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги унутилмас хизматларига бағишланган маърузалар тингланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Юрт равнақига ҳисса қўшиш фарзандлик бурчимиздир

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ушбу воҳанинг катта иқтисодий-ижтимоий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни ҳамда мавқеи ҳақида тўхталиб, "...бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади", дея таъкидлаб ўтди.

ДИЛ СЎЗИ

Дарҳақиқат, юртимизда инсон манфаатларидан устувор мезон йўқ. Шу боис қисқа муддатда асарларга татиғулик ютуқларга эришидик. Эркин ва обод жамиятимизга, фаровон турмушимизга, тараққиётимиз суръатларига жаҳон аҳли ҳайрату ҳавас билан қараётгани ҳам рост. Буларнинг барчаси амалга оширилган мислсиз ўзгариш ҳамда янгиликлар самарасидир.

Биргина тиббиёт соҳасидаги ислохотлар натижасида кўлга киритилган ютуқлар гуруҳи ҳамда дунёда фарзандлари бахту истиқболлини ўйламайдиган давлатнинг ўзи йўқ. Лекин соғлом, баркамол авлод учун Ўзбекистон каби шарт-шароит яратиб берадиган юрт камданкам. Негаки, айнан бизда

қабул қилинган умуммиллий дастурлар асосида бола саломатлиги йўлида у ҳали туғилмасидан анча аввалдан бошлаб гамхўрлик кўрсатилади. Бу ўринда ёшларни ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли вазифаларни назарда тутаямиз. Қолаверса, репродуктив саломатлик, фертил ёшидаги аёлларга бўлган эътиборни айтиш! Шу соҳа вакили сифатида ҳомиладор аёлларни сув ва ҳаводек зарур бўлган поливитамином билан давлат томонидан бепул таъминлаш тажрибаси бошқа бирор мамлакатда мавжудлиги ҳақида ҳали эшитган эмасман.

(Давоми 2-бетда).

Алишер Навоий таваллуд топган кунга бағишлаб тайёрланган «Абадият гулшани» саҳифаси билан газетамизнинг 4-бетидида танишасиз.

хабарлар

◆ **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Нукус шаҳридаги "Адил-Едиге" масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен қувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Банкнинг 80 миллион сўмлик қўмағида амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан ўнга яқин йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди.

Таъминотчилар буюртмаси асосида

— Ҳозир 10 турдаги полиэтилен қувурлар тайёрлаямиз, — дейди МЧЖ раҳбари Камол Матқаримов. — Асосан, сув таъминоти корхоналарида буюртмалар тушаяпти. Уларга ойига 40 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб беришмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Оролбўйида қурилиш саноати йўналишида умумий қиймати 64 миллиард сўмлик 100 та лойиҳа рўйбга чиқарилиб, 2711 кишининг бандлиги таъминланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон стандартларига мос

◆ **БУХОРО.** Вилоят марказидаги "Тарози класс" масъулияти чекланган жамиятида темир йўл вагонлари юкни ўлчайдиган электрон ускуна тайёрлашга киришилди. Натижада корхона маҳсулотлари тури ўнгага етди. — Жамоамизда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир, — дейди тadbirkor Фафур Хужатов. — Улчов жиҳозларимиз жаҳон стан-

дартларига тўла мослиги туфайли уларга хорижликлар ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Шу боис жорий йилда экспорт амалиётини баҳариш тарадудидамиз. Дарвоқе, мамлакатимизнинг етти та шахрида сервис марказларимиз фаолият кўрсатаяпти. Яқинда Нукус шахрида ҳам шундай шохобчамизни очдик.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Иновацион технологиялар

худудларда ташкил этилаётган технопаркларнинг аҳамиятини белгилаб беради

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари дунё аҳли ҳайратига ва ҳавасига сазовор бўлмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланыапти.



«Халқ сўзи»
газетаси сайтида ўқинг

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ



Ўзбекистон Республикасининг Ригадаги элчихонасида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Латвия Сейми (Парламенти) депутатлари, ташқи ишлар ва иқтисодиёт вазирилари, республиканинг илмий-академик, эксперт-таҳлил доиралари, нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Катта ижтимоий масъулият тараққиётнинг «ўзбек модели»даги ўзига хос жиҳат эканлигига яна бир бор амин бўлдик»

Тadbirkor қатнашчилар давлат раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йил январь ойида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш мақсадида 2015 йили муҳим ислохотларни амалга ошириш йўлида салмоқли қадамлар ташланди. Шу билан бирга, ўтган йили тadbirkorликка кенг имтиёз ва преференциялар бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестициялари миқдорини кўпайтириш ҳамда жорий этиш иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини, унинг макроиктисодий мутаносиблигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимизнинг 2016 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари билан ҳам танишди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири брифинг қатнашчиларидан айримларнинг фикрлари билан қизиқди.

Иванс КЛЕМЕНТЬЕВС,
Латвия Сейми депутаты,
Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ аъзоси:

— Ўзбекистоннинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган ютуқлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган устувор вазифалари тахсинга лойиқдир. Мамлакатда юритилаётган ижтимоий сиёсат самардорлигини белгилайдиган асосий

йўналишлардан бири ҳисобланадиган таълим ва тиббиёт соҳаларига давлат томонидан қаратилган эътибор менда алоҳида таассурот қолдирди.

Президент Ислам Каримовнинг маърузасида қайд этилганидек, 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджетини жамаиятларнинг 59,1 фоизи ажратилади. Бу мамлакатнинг аҳоли фаровон турмуш кечиришини таъминлаш йўлида қатъий сиёсат юритаётганидан далolat беради.

Парламентлараро ҳамкорлик алоқалари, аниққиса, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашувлар бундан кейин ҳам изчил давом этиб, давлатларимиз раванқига хизмат қилади.

Инна СТЕЦЕНКО,
Балтия Халқаро академияси проректори, профессор:
— Ўзбекистонда ёшлар таълим олишлари учун барча шарт-шароит яратилгани диққатга сазовордир. Бунга чин дилдан ҳавасим келади. Хусусан, республикангизнинг кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш борасида эришаётган муваффақиятлари, таълим-тарбия йўналишида тўплаган бой тажрибаси биз учун қизиқарли ҳамда фойдалидир.

Президент Ислам Каримовнинг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси билан танишиб чиқар эканман, катта ижтимоий масъулият тараққиётнинг "ўзбек модели"даги ўзига хос жиҳат эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

«Жаҳон» АА.
Рига

◆ **ҚАШҚАДАРЁ.** Касби туманидаги "Суяров Муродулла Суярович" кўп тармоқли фермер хўжалигида мева-сабзавотларни қуритиш ва қадоқлаш технологияси жорий этилди.

Экспортбоп неъматлар

— Ишлаб чиқариш цехимиз жойлашган Комилон кишлоғи ва унга туташ манзилларда турли ноз-неъматлар кўп етиштирилади, — дейди лойиҳа ташаббускори Тўлқин Суяров. — Уларни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотга айлантиришда янги минитехнологияларни татбиқ этилди. Бу эса хўжалигимизда қайта ишлаш тармоғи вужудга келишига асос бўлди. Келгусида модернизациялаш тadbirkorларини амалга ошириш орқали қурилган мева-сабзавотларни ташқи бозорда ҳам сотмоқчимиз.

Айни пайтда вилоятда мазкур йўналишга иқтисослаштирилган 50 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йили мамлакатимизда

506 та

Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш бўйича амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар катта миқдорда инвестиция қилиш, қўллаб-қўллаш шартлари яратиб, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш имконини бериши билан гоята аҳамиятлидир.

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ

меҳнат муҳофазасига доир қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Йиғилиш иштирокчилари қонун лойиҳасида кўзда тутилган янги нормалар халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ лозим даражадаги меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ўтган даврда иш берувчилар сони салмоқли даражада ортган бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалиши-

да муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Бугунги кунда тегишли соҳалар учун кадрлар тайёрлашга ва уларнинг маълумоти кўйиладиган талаблар кучайиб бормоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асоси ҳамда уни тартибга солувчи ҳужжатларни ўз вақтида такомиллаштириш эса, айниқса, долзарбдир. Тадбирда сўзга чиққанлар қонунчилик ташаббуси субъектининг қонунда меҳнат муҳофазаси соҳасидаги "касбий хавф-

хатар", "меҳнат муҳофазаси аудити" каби алоҳида тушунчаларни аниқ белгилаш тўғрисидаги тақлифи ўз вақтида ва тўғри билдирилган ташаббус экани, бу эса меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада тўлиқ акс эттиришини айтиб ўтишди. Блок аъзолари, шунингдек, қонун лойиҳасидаги иш берувчиларга қўйиладиган талабларни кучайтириш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган нормаларни ҳам қўллаб-қувват-

ладилар. Қонун лойиҳасининг айрим нормаларини қайта кўриб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди. Демократик кучлар блоки қонуннинг янги тахрирда қабул қилинишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Қайд этилганидек, Меҳнат кодексининг айрим нормалари ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солишга қаратилган. Шу боис Меҳнат кодексига қўшимчалар киритиш орқали ушбу икки меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-

жат ўртасида номувофиқликка йўл қўймаслик, уларни ўзаро уйғунлаштириш лозим. Йиғилиш якунида Демократик кучлар блокнинг позицияси шакллантирилиб, қонун лойиҳасини янада маромига етказиш учун масъул қўмитага тақлифлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Йиғилишда экспертлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, фуқаролик жамяяти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ёш мутахассислар салоҳияти

● **Сирдарё**

Ховос туманидаги Гулбаҳор қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежи республикамиздаги таянч таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб бу ерда ипақчилик йўналиши бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда масканга "Ўзагронаотмашхолдин" компанияси томонидан замонавий асбоб-ускуна ва техникалар келтирилмоқда. Винобарин, коллежда махсус ўқув-тажриба ҳўжалигига ҳам асос солинди.

— Воҳамиз бўйича жами 21 янги мутахассислик жорий этилди, — дейди Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси бош мутахассиси Умид Абдуллаев. — Қувурларни монтаж қилиш, фойдаланиш техникани, пахтани билрамчи ишлаш техник-технология, почта алоқаси хизматини ташкиллаштириш каби ихтисосликлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда 37 минг 699 нафар йигит-қиз вилоятдаги коллежларда касб-хўнар сирларини эгаллаётир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Гидроиншоотларга қурилмалар

● **Хоразм**

Ичимлик сувини филтрлаш — кўп босқичли технология жараён. Бунинг учун энг илғор ускуна ва жиҳозлар талаб этилади. Ана шу эҳтиёжни таъминлашда Урганч туманида фаолият юритаётган "Эко компани" хусусий корхонасининг муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда йиғирма йиллик, сувни зарарсизлантиришда қўлланиладиган гипохлорит натрий ҳамда тозалаш қурилмалари ишлаб чиқарилаётти. Хусусан, жамоа биргина ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард 500 миллион сўмлик буюртмаларни бажаришга эришди. Айтилган корхонада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда пластик материалларни қайта ишлаш ускуналарини тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Қолаверса, яқин истиқболда Жанубий корейлик ишбилармонлар кўмагига уй шароитида ичимлик сувини тозалавчи қурилмалар ясаш ҳам ўзлаштирилди. Натияжада "Эко компани" қуваати 2 баробар ортиб, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермерлар кўмакчиси

● **Самарқанд**

Пайриқ туманидаги Челак пахта тозалаш корхонаси қошида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ҳисоб-китоб ишлари бўйича мониторинг маркази фаолият бошлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу муассаса жойларда соҳага доир турли расмийтаҳлик ва

ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Янги услубнинг жорий қилиниши барча масаланинг бир жойда, қисқа муддатда ҳал этилишини таъминлайди. Хисоб-китобда катъий тартиб ўрнатилди. Бундай марказлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ишга туширилмоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аниқ ва тезкор ташхис

● **Навоий**

Қизилтепа туманидаги "Standart diagnostika servis" маъсулияти чекланган жамияти қошида замонавий ташхис маркази очилди. Тижорат банкининг 410 миллион сўмлик кредити ҳисобига ташкил этилган мазкур муассаса энг сўнгги русумдаги тиббиёт ва лаборатория жижозлари билан таъминланган. Ун нафар олий тоифали шифокор фаолият юритмоқда. Қолаверса, бу ерда турли хасталиқларга аниқ ҳамда тезкор ташхис қўйилиши баробарида, тиш, юрак-қон томир касалликлари самарали диваланаяпти. Келгусида марказда неврология ҳамда эндокринология бўлимларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАМКОРЛИК

Анжуманда Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ерининг расмий ва ижтимоий-иқтисодий доиралари вакиллари иштирок этди. Унда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда жорий йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган ҳақидаги маълумотлар хусусида атрафлича фикр юритилди.

«Экологик жиҳатдан барқарор Бухоро»

Германиянинг Бонн шаҳрида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, республикада аниқ мақсадга йўналтирилган лойиҳалар ва давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Улар бераётган салмоқли натижалар эса иқтисодиётнинг изчил ўсишига хизмат қилаяпти. Буни мамлакатнинг барқарор макроиқтисодий юксалиш кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди.

Давра суҳбатиде германиялик шериклар билан биргаликда амалга оширилаётган "Экологик жиҳатдан барқарор Бухоро" лойиҳасини Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ери молиялаштираётгани ҳамда у Ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатия ваколатхоналари томонидан қўллаб-қувватланаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур лойиҳа аҳоли саломатлиги, шунингдек, экотизим ва атраф-муҳит мусаффолиги мустаҳкамлашига, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг янада ривожланишига кўмаклашааяпти.

Тадбир қатнашчилари Германия делегациясининг яқинда Ўзбекистонга қилган сафари яқунларини муҳокама этар экан, республикада орттирган ижобий таассуротлари билан ўртоқлашди. Улар мамлакатимизда тараққиёт даражаси барча соҳада юқори эканлигини эътироф қилган ҳолда, самарали ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдорликларини билдирдилар. Жумладан, **Бонн мэрининг ўринбосари Ангелика Мариа Каппель** ушбу шаҳар вакиллари Ўзбекистонга уюштирган сафари доирасида Бухорининг замонавий ривожланиши, хусусан, сайёҳлик инфратузилма объектларининг фаолияти билан яқиндан танишишга мўяссар бўлишганини маълум қилди.

«**Жаҳон» АА.**
Франкфурт

Юрт равнақига ҳисса қўшиш фарзандлик бурчимиздир

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Мана, ҳозирги кунда туғуруқ ёшидаги кўплаб аёлларни тиббий кўридан ўтказаяпмиз. Бу жараёнда, аввало, уларнинг қон таҳлилларига назар ташлашга одатланганимиз. Шунда кўнглимиз таскин топади. Гемоглобин миқдори 110-130 г/дн кўрсатмоқда. Ваҳолонки, бир пайтлар хомилдорликни анемиясиз ўтказишни орзу ҳам қилиб бўлмагани ҳеч кимнинг ёдидан чиққан эмас.

Албатта, кекаги ютуқларимиз

бугунги фаровон ҳаётимизнинг муҳим манбаи, кафолатидир. Бироқ эртанги кун учун бугундан бошлаб қайғурмас эканмиз, кўзлаган юксак марраларимиз узоклаб, ривожланишдан ортда қолиб кетишимиз, табиий. Бунга халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ўртага ташланган долзарб масалалар, воҳамизда йўл қўйилган жиддий камчиликлар ҳамда ўз ечимини кутаётган ўтқир муаммолар мисолида яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Шу маънода, давлатимиз раҳбари нутқиде

Мақсуда ВОРИСОВА,
Зангиота туманидаги «Назарбек» қишлоқ врачлик пункти мудариси.

ЮКСАЛИШ МАРРАЛАРИ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳозирги кунда жаҳон миқёсидаги улкан синов ва машаққатлар, оғир муаммоларга, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳали-бери давом этаётгани, тайёр маҳсулотлар, асосан, хом ашё ресурсларига бўлган талабнинг кескин пасайиб бораётганига қарамадан, юртимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

КИЧИК БИЗНЕС

Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда мамлакатимизда хусусий сектор равнақи йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, махаллий ва хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулай ишбилармонлик ҳамда жозибадор инвестиция муҳити ҳал қилувчи аҳамият касб этаёттир. Натияжада дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 9 баробардан зиёд ўсди.

Бунда республика миздаги кўплаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари қатори Жижзах шаҳридаги "Jizzax polimer plast" маъсулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айтиш жоизки, мазкур корхона бундан саккиз йил аввал 7 нафар ишчи билан фаолият бошлаган эди. Ўтган даврда жамоа истеъмол бозори талабларини пухта ўрганиб, истиқболли бизнес режаларни муваффақиятли рўйбга чиқарди. Тўлиқ маҳаллий хом ашё асосида тайёрланаётган полиэтилен куур ва плёнкалари рақобатдошлигини оширди. Ҳозир 21 киши меҳнат қилаётган мазкур корхона вилоятдаги барқарор ривожланаётган саноат субъектлари сафидан мустаҳкам жой олган.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Jizzax polimer plast"га ўрнатилган илгор ускуна ва дастгоҳлар харидорлар талабидан келиб чиқиб, маҳсулотларни қисқа муддат қарилаётган полиэтилен маҳсулотларга бўлган талаб ошаяпти. Негаки, диаметри 16 миллиметрдан 500 миллиметрча бўлган бундай қувурлар юқори

пухта бизнес лойиҳа, ишни тўғри ташкил этиш ва янгиликка интилиш бўлса, кифоя. Қолган барча имконият давлатимиз томонидан яратиб берилаёттир. Сармоа зарурми, марҳамат, банка мурожаат қилинг. Талабингиз қисқа муддатда бажарилади. Маслаҳат, кўмак, йўл-йўриқ керак бўлса, бунга ҳам ҳозир нозир ташкилот ва идораларимиз етарли. Ташқи бозорга чиқмоқчимиз, махсус жамғармаларимиз хориждан ҳамкорлар топшида ёрдам қўлини чўзишади. Юртбошимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса биз, ишбилармонларга беқиёс имтиёзлар тақдим этди. Фаолиятимизга асосииз аралашувларга чек қўйилди. Шундай экан, эмин-эркин ишлаб, меҳнатимиз роҳатини кўришга нима етсин?! Муҳими, ўз маҳсулотларимиз билан мамлакатимиз равнақига, аҳоли турмуш фаровонлигига, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз.

Суръат ва сифат уйғунлиги — муваффақиятлар гарови. Бунинг ҳаётий тасдиғи "Jizzax polimer plast" кўлга киритаётган янги-янги марраларда яққол намоён бўлмоқда. Бундан руҳланган жамоа янги ишлаб чиқариш тармоғини ишга тушириш ҳаракатида. Мазкур лойиҳа тўлиқ рўйбга чиқарилиб, келгусида жамиятда полиэтилен қувурлар учун 10 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу ҳадемай кичик корхона яна бир катта юксалиш довоғига кўтарилишидан далолатдир.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бекпўлат TOFAEB олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 9 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2013,84	1 Россия рубли	36,74
1 Англия фунт стерлинги	4124,30	1 Украина гривнаси	109,66
1 Дания кронаси	423,88	1 Малайзия рингити	683,90
1 БАА дирҳами	773,62	1 Польша злотийси	717,87
1 АҚШ доллари	2841,60	1 СДР	3973,64
1 Миср фунти	362,91	1 Туркия лираси	975,02
1 Исландия кронаси	22,26	1 Швейцария франки	2860,48
1 Канада доллари	2048,15	1 евро	3138,99
1 Ҳитой юани	432,45	10 Жанубий Корея вони	23,57
		10 Япония йенаси	242,21

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Мардлик ва фидойилик мактаби

Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақириви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудиде йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтаёттир.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ушбу тадбирларда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини асраб-авайлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланаяпти. Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимиз ёшларнинг иродасини тоб-

лайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ҳамда матонат мактабига айланди. Ўз навбатида, ўғлонларимизнинг ҳарбий хизматга қизиқиши ва интилиши тобора кучайиб бораёттир. Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктда

ўтказилган тантанали маросимда ҳам ана шу жиҳатлар яққол ифода дасини топди. Бу ерда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуруний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, меҳнат фахрийлари, ота-оналар жам бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг

2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қақирув сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётти, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вази-фасини бажарувчи, подполковник Шўхрат Мусоев. — Ушбу ҳужжат асосида қақирув комиссияларининг ишида ошқоралик ва самарали жамоатчилик назорати таъминланаяпти. Қўриб турганингиздек, белгиланган танловлардан

муваффақиятли ўтган йигитлардан бир гуруҳи бугун муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқда. — Ҳарбий либос кийиш — ўғлим Бехрузжоннинг орзуси эди, — дейди Жондор туманидан келган Азиза Тоқирова. — Мана, ҳозир унинг қувончи, ўзига бўлган катъий ишончини кўриб, гуруримга ғурур қўшилди. Қуролли Кучларимиз сафида ўз йигитлик бурчини намунали ўтаб, маънан ва жисмонан етук инсон бўлиб қайтишига ишонаман. Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими М. Эсанов сўзга чиқди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН **24** **СОАТ ИЧИДА**

Ўтган ҳафта охирида Тайваннинг Тайнань шаҳрида рўй берган 6,4 балли зилзила оқибатида 38 киши ҳаётдан кўз юмди, 110 нафар одам бедарак йўқолди, дейилади "ЕвроНьюс" телеканали хабарида.

Кутқарув ишлари давом этмоқда

Ўнлаб бинолар вайронга айланган. Жумладан, "Олтин аждар" деб номланган 17 қаватли тураржой кулаб тушган. Ундаги 96 та хонадонда 256 киши истиқомат қиларди. Олиб борилаётган қидирув ишлари натижасида харобалар остидан тирик қолганлар ҳамон топилаяпти. Ҳукумат вакиллари, ўз навбатида, ушбу иншоот юзасидан текширув ҳам бошлаб юборди. Чунки бинони барпо этишда талабга жавоб бермайдиган цемент ва пўлатдан фойдаланилган, деган шубҳа-гумонлар мавжуд.

Қарзини камайтирмоқчи

Дунёдаги энг йирик пўлат куйиш компанияси — "ArcelorMittal" қўшимча акциялар чиқариш эвазига капитали ҳажмини 3 миллиард АҚШ долларига кўпайтиришни режалаштирмоқда.



Шунингдек, у 1 миллиард долларлик активни сотишни мақсад қилган. Мазкур маблағлар компаниянинг 15 миллиард доллардан ошиб кетган қарзларини қисқартириш ҳамда фаолиятини барқарорлаштиришга йўналтирилади. Ҳозир энг йирик бозорлардан бири — Хитойда пўлатга талабнинг кескин камайиши ҳамда жаҳон иқтисодиётида ўсиш жараёни секинлашуви кузатилаёпти. Бу эса металлургия саноатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Яъни мазкур тармоқ маҳсулотлари нархи охириги 12 йилда илк бор энг минимал даражага тушди. Жумладан, 2015 йилда "ArcelorMittal"нинг даромади 32 фоиз пасайди.

Даромади ошиши кутилаяпти

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Toyota Motor" компанияси март ойида якунига етadиган навбатдаги молиявий йил бўйича фойда кўриш прогнозини яхшилади.

Яъни ушбу кўрсаткич 4,4 фоиз ўсиши тахмин қилинаёпти. Бу 17,3 миллиард евро деганидир. Ўтган йил апрель — декабрь ойларида Хитой ва АҚШ бозорида маҳсулотларига талаб янада ортигани ҳисобига япон брендининг даромади 9,5 фоиз ошди. Бошқача айтганда, жами 10,15 миллион дона автоулов сотишга эришди. Мутахассисларнинг айтишича, мазкур ижобий натижалар ёнилиги нархининг арзонлашуви билан боғлиқ.

Энг паст кўрсаткич

Европадаги энг йирик "Royal Dutch Shell" нефть компанияси (Буюк Британия/Голландия) 10 минг нафар ходимини ишдан бўшатилади.

Сабаби, ўтган йили "қора олтин" хом ашёси нархи икки қарра пасайиб, унинг бир баррели 30 доллар атрофида баҳоланди. Натижада ушбу корпорациянинг соф даромади кескин тушиб, 1,9 миллиард еврони ташкил қилди. Бу охириги ўн уч йил ичидаги энг паст кўрсаткичдир.

Темир йўлдаги ҳодиса

Чили жанубидаги Сан-Хавьер шаҳрида поезд автомобиль билан тўқнашиб кетди.



Оқибатда автомашина салонидagi етти кишидан

олти нафари ҳалок бўлди, бир нафар ёш бола жуда оғир аҳволда. Фожиа машина темир йўлни кесиб ўтаётган пайтда рўй берган. Воқеа жойида полиция ходимлари суриштирув олиб бораёпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МИКРОКРЕДИТБАНК

«Fitch Ratings»

ҳалқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

акциядорлик тижорат банкининг

ҳалқаро рейтинг кўрсаткичини

«В»

«БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади.

Хизматлар лицензияланган.

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

● 2016 йил 14 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Охангарон тумани СИБ томонидан 1-526715-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 248 GCA бўлган, техник носоз «HOWO» русумли автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 98 539 000 сўм.

● 2016 йил 29 февраль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан куйидаги автотранспорт воситалари такоран кўйилмоқда:

1. 2015 йил 2 февралдаги 2454-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «DAEWOO-KALOS» русумли, давлат рақами 11 S 2489.

Бошланғич баҳоси — 19 473 356 сўм.

2. 2013 йил 20 июндаги 11223-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5320» русумли, давлат рақами N 088 NUM.

Бошланғич баҳоси — 10 217 570 сўм.

3. 2015 йил 13 январдаги 1324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Ериса» русумли, давлат рақами 01 P 405 BA.

Бошланғич баҳоси — 36 211 800 сўм.

4. 2013 йил 22 декабрдаги 32021-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «BA3-2106» русумли, давлат рақами 01 X 195 MA.

Бошланғич баҳоси — 5 907 853 сўм.

5. 2013 йил 3 июлдаги 12426-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-412» русумли, давлат рақами 10 T 410 AA.

Бошланғич баҳоси — 1 637 370 сўм.

6. 2012 йил 26 апрелдаги 5782-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Dogan» русумли, давлат рақами 01 K 336 EA.

Бошланғич баҳоси — 1 309 457 сўм.

7. 2015 йил 2 мартдаги 7160-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 01 V 920 GA.

Бошланғич баҳоси — 1 459 691 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (+99895) 504-99-85.

«New trans alliance» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 2 февралдаги № 22 (6457)-сонида чоп этилган эълондаги «Зангиота тумани СИБ томонидан тақдим этилган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 029 KAA бўлган, техник носоз, «Matiz» русумли автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 19 080 899 сўм» деган сўзлар бундан кейин «Зангиота тумани СИБ томонидан тақдим этилган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 029 KAA бўлган, техник носоз, «Matiz» русумли автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 16 139 812 сўм» деб ўқилсин.

ИПОТЕКА БАНК

«Ипотека-банк» АТИБ

бош офиси янги биноси учун **мебеллар** сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилади.

Танлов бўйича куйидаги турдаги мебеллар сотиб олинади:

- раҳбарлар учун стол;
- раҳбарлар учун стул;
- раҳбарлар учун шкаф;
- раҳбарлар учун юмшоқ мебель.

Таклифлар 2016 йил 16 февралгача куйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 17-уй.
Маълумот учун телефон: (0-371) 150-89-13.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Андижон тумани СИБ томонидан ФИБ Андижон туманлараро судининг 2013 йил 20 декабрдаги 1-3846-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон тумани, «Храбек» ҚФЙда жойлашган, «Субҳидам гунчаси» МЧЖга тегишли, ер майдони 9600,0 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 700 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 7 март куни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Жалакудук тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 мартдаги 17-1304/1358-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалакудук туманида жойлашган, «Жалакудук МТП» АЖга тегишли, фойдаланиш майдони 940,38 кв.м. бўлган А, Б-литерлардаги бино-иншоотлар такоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 410 796 900 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 23 февраль куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар АТ «Савдогар» банкидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71-уй, 1-қават.
Телефон: (0-374) 223-08-93. www.lkms.uz

Лицензия: RR 0001.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилди: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизацциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадор ва саноат соҳасида татбиқ этишда истиқболли, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Хужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Коратощ кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

MebelExpo Uzbekistan

Диққат! Кўрғазма 3-ПАВИЛЬОНДА бўлиб ўтади.

www.mebelexpo.uz

13-ҳалқаро кўрғазмаси **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. ЁҒОҒА ИШЛОВ БЕРИШ. МЕБЕЛЬ ВА ИНТЕРЬЕР.**

2016 йил 2-4 март
«Ўзэкспомарказ» МКК, Тошкент ш.

ITE Uzbekistan
Тел.: (+99871) 113-01-80.
E-mail: mebelexpo@ite-uzbekistan.uz

ON-LINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

